



ЧОРСУДАГИ ЧОЙХОНА

(4-кисм)

Оламда хар хил одам бор экан-да! Тавба, кариганда сандалга белни товлаб, кампирнинг кўнглини овлаб ётса бўлмасмикин? Буларни хафсаласига койил колиш керак. Хув анави чолларни айтяпман-да! Хозир тоғўни парчалаб, кўлни ховучлаб ташлайдиганлар бир

махалла наридаги онасидан хабар олгани эринадию, булар шахримизни томоша килгани нак Андижоннинг Чувамасидан келишибди. Кўнгиллари чойхонада девзирадан ош дамлаб, бир мазза килишни тусаб колганмиш.

Сахархез чойхўрларни эсон-омон кузатиб, энди нафас ростламокчи бўлиб турувдик, тўртовлон саломни куюк, йўтални дудук килиб кириб келишди. Хаммасининг кўлида хасса ўрнига коғоз халта.

Мехмон отангдай улуг, дейишади. “Уф” торта-торта уларга дастурхон солдим, пичок, тахта обориб бердим. Мамарайим ака белини ушлаб, бошини кашлаб ўтин ёргани чикиб кетди. Чолларнинг бири сабзи тўграшга, бошкаси гўшт майдалашга, биттаси бурнига кўзойнак кўндириб, гуруч тозалашга тушди.

Бекорчиликдан шифтга тикилиб, хаёл суриб ўтирсам, мехмонларнинг бири чакириб колди. Сийрак сокол, чаккада нўхатдек хол, хар гапида макол, абжиргина чол ошналарининг бандлиги учун мен билан гаплашиб ўтирмокчи шекилли. У носини туфлаб, чойни хўплаб уктира кетди:

– Ман санга айтсам, отам, юрган дарё, ўтирган бўйро экан. Кимирлаган кир ошар деб, кампир шафтолини данагидан ажратгунча у шахардан бу шахарга кеп копмиз. Улфати чор, анда маза бор, деганларидай, тўрт огайни кампиршоларнинг мингир-мингиридан, болаларга козиликдан зерикиб колсак, чопонни бар уриб сафарга жўнаворамиз. Самарканду Бухоро хам, Туркистонун Ўш бувом хам, Кўконун Шохимардон хам колмади. Гоз тўдаси йўлбошчисиз бўлмаганидай, ман буларни кўмондониман. Бирортаси гапимни икки килолмайди. Тўгрими, маймоқларим? – дея у шерикларига юзланди.

– Керил-а, керил, маймоқ бизми ё ўзингми? – дея гўшт-ёғ тўграётган чол истехзо билан унга караб сўз котди. – Раиснинг тўйида улокни ўртага ташлаб бераман, деб уч кунгача белига кепак киздириб босган, атала ичиб ётган ким эди?

– Бўлди, бўлди, огзи кийшик бўлсаям, бойнинг боласи гапирсин экан-да! – деди Кўмондон кемшик тишларини кўрсатиб куларкан. Кейин менга уктира кетди: – Бунимизнинг лакаби Бойвачча, ўн битта ўгил-кизи бор. Анави кўзойнакли – Мударрис. Ўттизинчи йилларда чаласаводларга дарс берган. Манави ошнализга хамма гапга лакка тушаверганидан

мулла Байбай деб лакаб кўйганмиз.

– Жа чечанлик килавермай, ўзингнинг лакабингни хам айтиб кўй! – деди Мударрис кўлини дастурхонга артаркан.

– Айтсам айтавераман, бунинг хеч уят жойи йўк. Отимни Абдукарим кўйишган, шунга Эчки бўп кетганмиз. "Эчкининг оти мулла Абдукарим" деган гапни эшитгандирсан? Ўша биз, гиринг демай тан оламиз.

Чоллар жимиб колишди. Хамма яна ўз машгулотига берилди. Факат Кўмондон чой хўпларкан, ора-сира ёнидагиларга маслахат бериб кўяди: "Кетмон чопавериб кўлинг дагаллашиб колибди, сабзи деганни майин килиб тўграш керак. Мударрис, кўзингга кара, агар битта тош чикса, товок билан бошингга тушираман". Боя уларнинг ташрифидан тутоккан бўлсам, энди бегубор хазил-хузулидан ширгуручга тушган сарёгдай яйкалиб ўтирибман.

Бойвачча тайёр масалликни кўтариб ўчок бошига кетди. Колганлар охиста сухбатга берилишди. Менинг олдимда улфатларидан устунлигини билдириб кўймокчи бўлдими, харкалай Кўмондон яна бошкаларга гап бермай кўйди:

– Кексайганда одамнинг кучи факат жагида коларкан. Биз сайрайвераимиз, эшитиш сандан, отам. Инсон азиз, яшамок лазиз, деган кунлар энди келди. Хозирги хаётдан нолиганни кўрсам, тепа сочим тикка бўлиб кетади. Э, отам, бу каттик бошдан нималар ўтмади. Николайнинг мардикориниям, "от ўгриси"ниям гувохи бўлдик, босмачиниям, кимматчиликниям кўрдик. Кўлхўззиям туздик, урушням урушдик. Мана шундок кунларга хам етиб, хар ойда ҳукуматдан нафакани куртдаккина килиб олиб турибмиз. Еганимиз – олдимизда, кайга бораман десак, хаптобус, пойиз тайёр. Кандингни ур, азаматлар, деб юрт кезиб юрибмиз-да... Байбай-ку, учмапойизда нак Масковгача бориб келган. Ўзинг гапириб бер, Байбай!

– Э, кўйсанг-чи, – деди у хижолатомуз, – сенга гап топилиб копти-да!

– Нега тайсаллайсан, манави отам хали учмапойизга тушмаган бўлса керак. Бир эшитиб мазза килсин!

– Хай, кўймадинг-кўймадинг... Катта невара Масковда олимпикка ўқирди. Бир келинг, шаҳарни кўрсатаман, деб туриб олди. Хай, борсам борай, яна Масковни кўрмай ўлиб кетмай, дедим. Манавилар учмапойизга чиқариб кўядиган, у ёқда неварам кутиб оладиган бўлди.

У шу ерга етганда Кўмондон тиззасига шапатилаб кула бошлади. Бошқалар ҳам хиринглашга тушди. Нима гаплигини тушунмай, бирма-бир чолларнинг огзига тикиламан. Байбай ёшланган кўзларини яктагининг енги билан арта-арта хикоясини давом эттирди:

– Булар гапини бир жойга кўйиб, мени бопламокчи экан-да. Душманам ҳам шунака килмайди. Учмапойизга чиқиш олдидан берган маслахатига лакка тушиб, роса шарманда бўлдим. "Агар захар танг килиб колса, хизмат килиб юрган кизлардан бирига айтасан, учмапойизни тўхтатиб, эшигини очиб беради" дейишувди. Юкорига кўтарилдик. Секин ёндаги туйнукдан ташқарига карасам, бай-бай, осмони фалакка чиқиб кетибмиз. Булутлар ҳам пастда қолибди. Кетяпмиз, кетяпмиз, поёни кўринмайди. Қаричилик курсин, безовталаниб колдим. Мундок карасам, сира учмаётганга ўхшаймиз. Тўхтабмиз шекилли, деб бояги малласоч хурликога "эшикни очиб бер", дедим. У аввалига тушунмади. Ён-вердагилар тилмочлик килиб айтгач, кулавериб ичаги узилиб кетай деди. Шунда манави соқолига қуя тушгурлар лакиллатганини фахмлаб колдим.

– Кейин нима бўлди, ўшани айтиб бер, – шериклари яна уни "китиклашди".

– Кейин эсон-омон Масковга кўндик. Эшиқдан чиқиб, мундок зинага карасам, калиш йўқ. Анжанда минаётиб калишни зинага ечиб кўювдим. "Масковда ҳам калиш ўгриси борми?" деб халиги хурликодан сўрасам, яна котиб-котиб кулади, холос. Такси мошинагача махсида борибман.

Сухбатдошлар икки ёнга ташланиб, кўзлари ёшланиб қулар, уларга кўшилиб хикоячи ҳам тишсиз огзини очиб "ких-ких"лар эди.

– Мана шунака, бизнинг Байбай дунёнинг нариги четига бориб– келган. Хўп, бунисини эшитдик. Энди тўптепардаги воқеани ҳам айтиб бер.

– Бўлди, жа содда одамни топволиб кулавераркансизлар-да.

– Ўзингни бозорга солмай айтавур-да, яна бир эшитиб, мириксак-мирикибмиз-да. Иннайкейин, номинг тарихда қолиб кетади. Анжандан ҳам шунака балалшик чиккан экан деб, – дея яна уни кистовга олишди.

– Бўлмаса эшит, ука. Булар бурноги йили мени Тошканга олиб боришди. Пушкин богидаги чойхонада рохат қилиб ўтирувдим. Ўша қуни тўпўйин бор экан. Шуни кўрамиз деб туриб олишди. "Кариганда мунигга бало борми" десам, кўйишмади. Кел, борсам-борай, шуюм армон бўлиб юрмасин, деб кўндим. Тўптепарга кириш олдидан тинмай қулогимга қуйишди: "Тўп ўйинчининг оёғига тушган захоти қийкириб турасан, "бале" десанг ҳам бўлаверади". Тумонат одамнинг ичида ўтирибмиз. Нафас етмасаям, баҳоликудрат қийкириб қўяман. Оркамда бир барзанги ўтирувди. Хар гал қийқирсам, алланимабало деб гўлдирайди, болаҳонадор қилиб сўқинади. Тўп дарвозага кирганда ўрнимдан туриб, жон-жаҳдим билан карсак чалишимни биламан, елкамга тушган муштан тиззам буқилиб кетди. "Ха, ука, кўлинг қичияптими" десам, халиги барзангининг авзойи бузук, кўзини ола-қула қилиб: "Соқолингни хурмати бор, бўлмаса карсак чалган кўлингни сира қимирламайдиган қилиб кўярдим", дейди аблах. Кейин билсам, рақиблар бизга тўп урган экан. Хафсалам пир бўлиб, охиригача ҳам кўрмай мусофирхонага жўнавордим.

Яна қахқах чойхонани кўтариб юборай деди. Байбай соддалиги ўзига нашъа қилиб шолгомдай қизариб кетган, қолганлар унинг ўша пайтдаги ахволини кўз олдига келтириб, қулгидан ўзларини тутиша олмас эди.

– Маргилондаги чойхонада нима бўлганди? Индамасак хали уни ҳам гапириб берарсан?
– Кўмондон яна шеригини гиж-гижлади.

– Э, йўқ, сенларга майна бўлиб ўтирган мен ахмок! – Байбай кўлидаги пиёлага термулганича бош чайқади.

– Агар ноз килсанг, ўзим бошлаб айтиб бераман. – Кўмондон ёлгондакам пўписа килди. – Факат адашиб кетсам, йўлга солиб турасан.

– Айтсанг-айтавер!

– Ўтган йили ёзда Маргилонга бордик, – дея гап бошлади Кўмондон шерикларига кўзини кишиб кўяркан. – Мана шунака чойхонада ош дамладик. Паловни сузиб келишганида Мударрисга секин имлаб кўйдим. Кўл ювиш бахонасида Байбайнинг калишини беркитиб келди. Ош хам ейилиб, дастурхонга фотиха ўкилди. Турамиз десак, Байбай типирчилаб колди. Яп-янги калиши йўколганмиш. У ер-бу ерни кидирган бўлди. Хамминг эътибори бизда. Бундан Байбай баттар хижолатда. Охири Мударрис: "ўн сўм берсанг, калишни топиб келаман" дея унинг жонига ора кирди. Битта кизил когоз Мударрисга, калиш Байбайга ўтди. Мударриси тушмагур калишни бераётди: "Сан калишсиз колмагин деб хўв анави чолнинг калишини ўгирлаб келдим, эхтиёт бўл, чикиб кетаётганинда таниб колмасин", деди. Буни эшитиб, Байбай тамоман довдираб колди. Нажот кутгандай хаммамизга мўлтираб карайди. Унинг ахволини кўриб, рахмим келиб кетди. Байбайга "яна ўн сўм узат. Мударрис бориб чолни тинчитиб келади", дедим. У гўлдираб, тайсаллаб яна ёнини кавлади. Хуллас, афандиси тушмагур ўшанда ўзининг калишини йигирма сўмга сотиб олган. Шундан буён каерга борсак, Байбай калишини тагига босиб ўтиради.

Чоллар яна котиб-котиб кулишди. Байбай деганлари "улфатларим яна шумлигини бошламадим" дегандай кўрпачани кайириб, калишини ушлаб кўйди. Унинг бу килиги тагин кахкахага сабаб бўлди.

Нихоят хазилкаш чоллар кўзголиб колишди. Эрталаб уларнинг келганини канчалик малол кўрган бўлсам, хозир кетишига шунчалик хафа эдим. Кўмондон увишган оёқларини силаркан, Мамарайим ака билан икковимизни чакирди. Шерикларига "чикаверинглар" дегандай имо килиб, кейин бизга тайинлади:

– Рахмат, оталарим, чойхонангиз бундан хам обод бўлсин. Ўзи, нафсамбирини айтганда, мехмондўстлик, чойхона, аскиясиз ўзбекнинг турмуши кемтик бўлиб колади. Мана шуни эсдан чикарманглар. Анжанга борганда биз томонларга хам ўтинглар, бир отамлашамиз. Бизларники Хабибий домла яшаган Кўконкишлокнинг ёнгинасида. Жа обод жойларимиз бор, бир томоша килиб келасизлар. Бўпти, кўришгунча!

Уларни кузатиб кайтарканман, юрагимда галати бир хис кўзголиб колди. Оламда турфа одам бор экан. Баъзиларнинг килвирлигидан, алдамчилигидан газабланиб, ўзингни кўйгани жой тополмай коласан. Хиёнаткор ва таъмагирларнинг килмишларидан дунё кўзингга коронги кўринади. Жиндай устунлик учун дўстига ҳам ёвузлик килаётганларни учратиб, инсон зотидан кўнглинг совийди. Аммо хозиргидай бегубор, содда, беозор ва шинаванда кишиларга рўпара бўлсанг, бояги барча кабихликларни зумда унутиб юборасан. Хамма кўзингга фариштадай пок, мусичадай ювош, донишмандлардай оқил, беш кунлик куёвдай дилкаш кўриниб кетади. Хаётимизга безак, дунёга тиргак, хар кадамда керак одамлар худди шулар эмасми?

(Давоми бор...)

Ахмад МУХАММАД ТУРСУН